



Исх.№87
«30» июня 2022г.

«O'ZTRANSGAZ» АЈнинг 2021 йил якуни бўйича

Корпоратив бошқарув тизимининг баҳоланиши ўтказилганлиги тўғрисида

ХУЛОСА

Қайси корхона учун тайёрланди	«O'ZTRANSGAZ» aksiyadorlik jamiyati
Юридик ва почта манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 31а-уй.
Хизмат кўрсатувчи банки:	Тошкент шаҳар, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Ракат филиали
Хулоса берувчи ташкилот:	Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «HLB Tashkent» аудиторлик ташкилоти
Юридик ва почта манзили:	100170, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Олой кўчаси 1-А-Уй
Телефон / факс:	тел: 90-1864397. факс: 71- 2670986
Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот:	Дастлаб 2001 йил 14 августда «Konsaudit-Adolat» МЧЖ номи остида 672-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган. Сўнгра 2013 йил 12 ноябрда Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «HLB Tashkent» аудиторлик ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган. 672-сон Гувоҳнома.
Банк реквизитлари:	ҳ/р 20208 00020 41335 09001, Тошкент ш., «ORIENT FINANCE» ХАТБнинг марказий амалиёт филиали, МФО: 01110
Директор:	Юлдашев Шерзод Сайдимуратович

«O'ZTRANSGAZ» АЖ (кейинги ўринларда – жамият) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «HLB Tashkent» аудиторлик ташкилоти (кейинги ўринларда – «HLB Tashkent» АТ) томонидан тайёрланди.

Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ «HLB Tashkent» АТ акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга муустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида муустақил холисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва Корпоратив бошқарув илмий таълим маркази (ҳозирда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби) томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган саволнома асосида ўтказилди.

«HLB Tashkent» АТ фақат жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, материаллар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.

«O'ZTRANSOAZ» АЈнинг 2021 йил якуни бўйича Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг натижаси 502 баллни ташкил этди ва «HLB Tashkent» АТнинг хулосасига мувофиқ Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизими даражаси қониқарли деб эътироф этилади.

«HLB Tashkent» МЧЖ АТ
директори:



Ш.Юлдашев